

УДК:638.2.631.528.1

## ИПАК ҚУРТНИНГ САНОАТБОП ДУРАГАЙЛАРНИНГ ПИЛЛА ВАЗНИ ҲАМДА ИПАКЧАНЛИГИ

**Халилова Мамура Файзулла кизи**

*қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Ипакчилик Ўзбекистон Республикаси аграр комплексининг жадал ривожланиб келаётган муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва барча вилоятларда замонавий тут плантациялари ташкил этилиб, юқори самарали ипак қурти парваришlash технологиялари асосида ялпи пилла етиштириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

Кўпчилик қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида жинсий полиморфизм мавжуд бўлиб, маҳсулотларни етиштиришда қайсидир жинснинг кўпроқ бўлиши ёки камроқ бўлиши талаб этилади. Мисол учун сут ва тухум етиштиришда урғочи жинслар улуши кўпроқ бўлиши талаб этилса, гўшт, жун, ипак етиштиришда эркак жинсли ҳайвонлар улуши кўпроқ бўлиши катта самара беради.

Ипак қурти уруғчилигида жинси тухумлик даврида нишонланган зотларни амалий аҳамияти беқиёс эканини инобатга олган ҳолда, серҳосил ва ипак толасининг сифат кўрсаткичлари пиллани қайта ишлаш корхоналари талабига мос келадиган жинси бошқариладиган тизим ва саноат дурагайларини яратиш борасидаги генетик ва селекцион тадқиқотларни янада интенсивлаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ипакчилик саноатининг асосий хом-ашё базаси ипак қурти пилласи бўлиб, пилла ҳосилдорлиги қурт боқувчиларни қизиқтирадиган энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, аввалги маҳаллий селекционер олимлар асосан йирик пилла ўрайдиган зотлар яратишга урғу берганлар. Лекин ҳозирги даврга келиб, асосий талаб пилла ипакчилиги ва технологик хусусиятларга қаратилмоқда. Шу сабабдан, мазкур тадқиқот ишида пилла вазнини ўрта даражада сақлаб, асосий эътиборни ипак толасининг технологик хусусиятларини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Саноат дурагайларининг пилла вазни муҳим кўрсаткич бўлиб, пилла ҳосилдорлигини белгилаб беради. Ота ва оналик компонентларга нисбатан одатда дурагай авлоднинг пилла вазни нисбатан оғирроқ бўлиши кузатилади. Уч йиллик лаборатория синовлари бўйича янги дурагайларнинг пилла маҳсулдорлигига назар ташласак, қуйидаги 1-жадвалда янгидан олинган дурагайларнинг пилла вазни, уларда ота ва оналик тизимларга нисбатан сезиларсиз гетерозис содир бўлганини кўришимиз қийин эмас (2,01-2,35 г). Қиёсланувчида бу белги 1,92-2,22 г ни ташкил этди ( $Pd=0,591-0,999$ ). Дурагайларнинг пилла вазни 3 йил бўйича ўртача натижаларга асосан, Линия 32 м х Линия 101, Линия 101 х Линия 32 м ва Линия 66 х Линия 11 м дурагай комбинацияларида бошқа дурагайларга нисбатан биров юқорироқ – 2,15-2,35% бўлиб, қиёсловчи дурагайлардан 0,13-0,23 абс. г га баландроқ натижани намоён этди ( $Pd=0,973-0,999$ ).

Тирик пиллаларнинг ипакчанлиги етиштирилган пилла хом ашёсидан олинандиган хом ипак миқдорини белгилайди ва бу кўрсаткич саноат дурагайларининг асосий хўжалик белгиларидан ҳисобланади.

**1-жадвал**  
**Дурагайларнинг пилла маҳсулдорлиги.**

Дурагайларнинг номи	Тажриба йиллари ва танлама (n)	1 дона пилланинг вазни, $\bar{X} \pm S \bar{x}$ , г	1 дона пилла қобиғи вазни, $\bar{X} \pm S \bar{x}$ , мг	Ипакчанлик даражаси $\bar{X} \pm S \bar{x}$ , %
1	2	3	4	5
Линия 5 м х Линия 102	1 йил/90	2,13±0,046	502±3,9	23,6±0,62
	2 йил/90	2,31±0,023	537±10,2	23,2±0,21
	3 йил/90	2,13±0,018	465±2,1	21,9±0,11
	<b>Ўртача</b>	<b>2,19±0,029</b>	<b>501,3±5,4</b>	<b>22,9±0,94</b>
Линия 102 х Линия 5 м	1 йил/90	1,82±0,019	439±6,7	24,2±0,22
	2 йил/90	2,25±0,004	566±6,4	25,1±0,31
	3 йил/90	2,05±0,03	481±3,9	23,4±0,22
	<b>Ўртача</b>	<b>2,04±0,17</b>	<b>495,3±5,7</b>	<b>24,2±0,25</b>
Линия 11 м х Линия 100	1 йил/90	1,99±0,015	457±5,7	22,8±0,44
	2 йил/90	2,27±0,015	533±5,3	23,5±0,23
	3 йил/90	2,0±0,07	475±19,37	23,8±0,17
	<b>Ўртача</b>	<b>2,09</b>	<b>488,3</b>	<b>23,4</b>
Линия 100 х Линия 11 м	1 йил/90	1,84±0,03	436±7,12	23,6±0,38
	2 йил/90	2,35±0,009	563±6,9	23,9±0,22
	3 йил/90	1,8±0,05	401±14,26	22,6±0,27
	<b>Ўртача</b>	<b>2,0±0,089</b>	<b>466,7±9,42</b>	<b>23,4±0,29</b>
Линия 32 м х Линия 101	1 йил/90	2,13±0,006	502±3,9	23,5±0,21
	2 йил/90	2,27±0,044	545±11,8	24,0±0,52
	3 йил/90	2,04±0,037	478±4,2	23,4±0,24
	<b>Ўртача</b>	<b>2,15±0,029</b>	<b>508±6,7</b>	<b>23,6±0,32</b>
Линия 101 х Линия 32 м	1 йил/90	2,16±0,016	473±2,9	21,9±0,45
	2 йил/90	2,37±0,017	541±1,0	22,8±0,15
	3 йил/90	2,30±0,014	509±6,1	22,2±0,30
	<b>Ўртача</b>	<b>2,28±0,0156</b>	<b>508±3,3</b>	<b>22,3±0,3</b>
Линия 11 м х Линия 66	1 йил/90	2,15±0,007	526±8,4	24,5±0,43
	2 йил/90	2,08±0,015	504±5,7	24,2±0,20
	3 йил/90	1,87±0,004	421±8,83	22,5±0,47
	<b>Ўртача</b>	<b>2,03±0,0086</b>	<b>484±7,7</b>	<b>23,7±0,36</b>
Линия 66 х Линия 11 м	1 йил/90	1,93±0,021	473±11,2	24,5±0,26
	2 йил/90	2,35±0,043	533±12,9	22,7±0,15
	3 йил/90	1,74±0,037	354±18,57	20,3±0,66
	<b>Ўртача</b>	<b>2,01±0,033</b>	<b>453±14,2</b>	<b>22,5±9,35</b>
Ўзбекистон (қиёсловчи 1)	1 йил/90	2,17±0,033	484±8,7	22,3±0,09
	2 йил/90	2,41±0,012	529±4,2	22,0±0,24
	3 йил/90	2,09±0,031	450±9,54	21,5±0,14
	<b>Ўртача</b>	<b>2,22±0,025</b>	<b>488±7,48</b>	<b>21,9±0,15</b>
Хориж дурагайи (қиёсловчи 2)	1 йил/90	1,87±0,059	415±5,3	22,2±0,56
	2 йил/90	1,99±0,043	432±12,4	21,7±0,17
	3 йил/90	1,90±0,025	411±4,93	21,4±0,34
	<b>Ўртача</b>	<b>1,92±0,042</b>	<b>419±7,5</b>	<b>21,8±0,35</b>

1-жадвалдаги дурагай комбинациялар ипакчанлигининг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият янги дурагайларимиз хориж ва маҳаллий стандарт дурагайлардан юқорирок ипакчанлик потенциалга эга. Линия 102 x Линия 5 м (25,1%), Линия 32 м x Линия 101 (23,6%), Линия 101 x Линия 32 м (22,3%), Линия 100 x Линия 11 м (23,9%) дурагайлар кўрсаткичлари ушбу фикрмизнинг исботи ҳисобланади. Пилла ҳосилдорлиги дурагайларни баҳолашда энг асосий мезон ҳисобланади. Дурагайнинг қуртлари қанчалик ҳаётчан бўлса, бош сони максимал даражада сақланиб қолса ва шу билан бирга вазндор пиллалар ўраса, шунчалик пилла ҳосили юқори бўлади.

Тут ипак қуртининг жинси тухумлик даврида нишонланган ва оддий тизимлари иштирокида янги дурагай комбинацияларини олиш бўйича олиб борилган генетик тажрибалар асосида шундай тўхтамга келиш мумкин:

- жинси нишонланган ва оддий тизимлар ичида жуда юқори технологик кўрсаткичлар билан тафсифланадиган Линия 102 ва Линия 103, Линия 5 м тизимлари мавжуд, лекин улар иштирокидаги дурагай комбинацияларининг ҳаётий белги ва хусусиятлари биров пастроқ даражада;

- янгидан олинган дурагай комбинациялари ичида айнан юқорида келтирилган тизимлар иштирокидаги комбинациялар ингичка ва узунлиги анчайин узун ипак ўраш қобилиятини намоён этган дурагайлар аниқланди ва технологик кўрсаткичларни  $F_1$  авлодда ирсийланишида тўлиқ ота-оналик шаклларни белгилари намоён бўлиши яна бир бор тасдиқланди;

- барча аниқланган технологик, пилла маҳсулдорлик ва ҳаётчанлик кўрсаткичлари бўйича таққосланганда «Линия 32 м x Линия 101» ва «Линия 101 x Линия 32 м» дурагай комбинациялари энг мақбул дурагай сифатида танлаб олинди ва ушбу дурагайларни пилла ҳосили ва сифатли ипак толаси кўрсаткичларига асосланиб ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Насирллаев Б. Тут ипак қуртининг янги транслокант тизимлари // Агроилм. – Тошкент, 2016. 4(42). 38-б.

2. Насирллаев Б.У., Ахмедов Э. Тут ипак қурти янги селекцион тизимларининг технологик хусусиятлари // Агроилм. – Тошкент, 2016. Махсус сон. 41-42-б.

3. Насирллаев Б.У., Абдиқодиров. Тут ипак қуртининг қўш леталлал билан мувозанатлашган зотлари иштирокида олинган эркак жинсли дурагайларнинг технологик кўрсаткичлари // «Тўқимачилик толаларини чуқур қайта ишлашнинг муоммолари ва ечимлари» Республика миқёсидаги илмий-техникавий анжуман материаллари тўплами. 19-20 октябрь 2020 йил. Марғилон 53-56-б.

4. Ларькина Е.А. Создание линий тутового шелкопряда с различными генетически детерминированными формами поведения. // «Ипакчилик соҳасининг долзарб муаммолари ва уларни янги технологияларига асосланган илмий ечимлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2012. -Б. 30-35.